



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2021 йил — Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2021 йил 15 апрель, № 76 (7856)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЕХХТНИНГ АМАЛДАГИ РАИСИ, ШВЕЦИЯ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИ БИЛАН УЧРАШДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 14 апрель куни мамлакатимизда амалий ташриф билан бўлиб турган Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХХТ) амалдаги раиси, Швеция Қироллиги ташқи ишлар вазири Анн Линде бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



Учрашувда мамлакатимизнинг ЕХХТ билан конструктив шериклигини ривожлантириш, Ўзбекистон билан Швеция ўртасида амалий ҳамкорликни янада кенгайтиришни долзарб масалалари муҳокама қилинди. Минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Давлатимиз раҳбари ЕХХТ билан самарали мулоқотнинг бугунги даражасини мамнуният билан қайд этди ҳамда Швециянинг ташкилотга раислигининг устувор йўналишларини қўллаб-қувватлади.

Кейинги йилларда, шу жумладан,

ушбу нуфузли минтақавий ташкилотнинг мамлакатимиздаги лойиҳалари координатори офисининг изчил саъй-ҳаракатлари туфайли ўзаро мулоқот ва алмашинувлар жадаллашгани таъкидланди.

Сўхбатда Ўзбекистон Президенти ЕХХТ билан кўп қиррали шерикликни, аввало, мамлакатимизда муҳим ички сиёсий тадбирларни ўтказишга тайёргарлик доирасида кенгайтиришнинг асосий йўналишларига алоҳида тўхтади.

Ўзбекистон ташкилотнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси ва Парламент Ассамблеяси билан сер-

махсул мулоқотни давом эттиришдан манфаатдор экани қайд этилди.

Яқин орада бир қатор қўшма тадбирларни ташкил этиш тўғрисида келишувга эришилди.

Ўзбекистон Президенти Швеция билан икки томонлама муносабатларнинг истиқболлари ҳақида сўз юритар экан, таълим соҳасида ҳамкорлик қилиш, Швеция етакчи компанияларининг инновациялари ва инвестицияларини мамлакатимизга жалб этиш, савдо ва кооперация алоқаларини кенгайтиришни муҳим йўналишлар сифатида қайд этди.

Швецияда Ўзбекистоннинг дипломатик миссиясини ташкил этиш мамлакатларимиз ўртасидаги ва умуман скандинав давлатлар билан ҳамкорликнинг мавжуд салоҳияти ва кенг имкониятларини рўёбга чиқаришга хизмат қилишига ишонч билдирилди.

ЕХХТнинг амалдаги раиси, Швеция ташқи ишлар вазири илиқ қабул ва очик сўхбат учун самимий миннатдорлик билдириди.

Анн Линде Ўзбекистонда янги босқичда амалга оширилаётган демократик янгиланишлар ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларни, шу-

нингдек, Марказий Осиё минтақасида яхши кўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш борасидаги сиёсатни юқори баҳолади ва қўллаб-қувватлади.

ЕХХТ доирасидаги қўшма ташаббуслар қўллаб-қувватланаётгани ҳамда Швеция билан амалий ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига юксак эътибор қаратилаётгани учун миннатдорлик билдирилди.

ЎзА.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

Нуктаи назар

Ўзбекистон — Европа Иттифоқи: ЯНГИ ЭКСПОРТ БОЗОРИГА ЙЎЛ

Президентимиз Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида Европа Иттифоқи билан кенг қўламли ҳамкорликни фаоллаштириш орқали янги экспорт бозорларига чиқиш Ҳукуматнинг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолаётганини таъкидлаган эди.

Жорий йил апрель ойи бошла-рида давлатимиз раҳбарининг ушбу кўрсатмаси амалий татбиқини топди, аниқроғи, Ўзбекистон "GSP+" умумий имтиёзлар тизимида бенефициар мақомини кўлга киритди. Шу йил 10 апрелдан бошлаб Ўзбекистон учун Европа Иттифоқининг барқарор ривожланиш ва самарали бошқарув (GSP+) бўйича махсус имтиёзлар тизими қуча кирди. Унда Ўзбекистон умумий имтиёзлар схемаси (GSP) доирасида бенефициар-мамлакат сифатида қабул қилинди. Ушбу қарор Ўзбекистон ҳамда ЕИ ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг янги ва муҳим

босқичини очди, деб ҳисоблаймиз.

Биринчидан, мамлакатимиз тадбиркорлари ва ишбилармонларнинг қизиқиши шундаки, бу Ўзбекистон ҳамда Европа Иттифоқи ўртасидаги мулоқот ва савдо шериклигини чуқурлаштириш имконини беради. Бенефициар-мамлакатдан чиққан, деб тан олинган товарларга нисбатан "GSP+" доирасидаги тариф имтиёзлари тақдим этилади. Яъни гап айнан Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган махсулот ҳақида борапти. Бу эса мамлакатимиз тадбиркорларининг тўб манфаатларига жавоб беради.



«Халқ сўзи» учун махсус

ЎЗБЕКИСТОН ВА ПОКИСТОН ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАР СТРАТЕГИК АҲАМИЯТ КАСБ ЭТМОҚДА

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Покистон Бош вазири Имрон Хон ўртасидаги виртуал саммит икки мамлакат учун қатор соҳалардаги ҳамкорликда муваффақият қозониш учун янги имкониятларни очиб берган тарихий воқеа бўлди, деб баҳоламоқда Покистон кенг жамоатчилиги вакиллари.

Риёз Аҳмад, «Ал-Ахбор» ва «National Herald Tribune» газеталари бош муҳаррири, халқаро алоқалар бўйича мутахассис:

— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг оқилона раҳбарлигида мамлакатларимиз ўртасидаги қардошлик муносабатлари том маънода янги ва стратегик аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган олий даражадаги онлайн саммит юқорида билдирилган фикр-мулоҳазаларни яққол тасдиқлайди

ва 2021 йилда Ўзбекистон — Покистон ҳамкорлигининг муҳим сиёсий воқеаси бўлди.

Шунингдек, Ўзбекистон Президентининг COVID-19 давридаги ташаббуслари туфайли мамлакат пандемия хавфига қарши муносиб кураш олиб бормоқда ва бугунги кунда ўзбек халқи ўз раҳбарияти билан биргалликда бу борада уюшиб ҳаракат қилмоқда.

Онлайн саммит нафақат Покистон ва Ўзбекистон, балки бутун минтақа мамлакатлари учун муҳим аҳамиятга эга. Музокара-лар чоғида давлат раҳбарлари иккала томон учун долзарб бўлган афғон можаросини тинч йўл орқали ҳал қилиш билан боғлиқ масалаларни ҳам муҳокама қилди. Бинобарин, Ўзбекистон билан Покистон ҳар доим Афғо-

нистонни ижтимоий-иқтисодий қайта тиклаш борасида ҳамкорлик қилишга интилиб келган.

Шу билан бирга, саммитда халқаро ташкилотлар доирасида, минтақавий хавфсизлик, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация алоқалари каби соҳаларда, шу жумладан, зиярат туризми йўналишида ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари атрофида муҳокама қилинди.



«Сайлов — 2021»

ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ БЎЙИЧА АСОСИЙ ТАДБИРЛАР ДАСТУРИ ТАСДИҚЛАНДИ

Кеча Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди.

Марказий сайлов комиссияси Раиси Зайниддин Низомқўжаев олиб борган мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш бўйича асосий тадбирлар дастури ҳамда Марказий сайлов комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига оид қатор низомлари лойиҳалари муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, мамлакат таррақийетини янги босқичга кўтариш йўлида ўз олдига буюк мақсадни қўйган янги Ўзбекистонда Президент сайлови бу йил янги миллий сайлов қонунчилиги, умумэтироф этилган халқаро стандартларга мувофиқ ҳолда, демократик тамойиллар асосида ва бутунлай янги муҳитда ўтиши кутилмоқда.

Президент сайлови Ҳаракатлар стратегиясида ўз ифодасини топган илғор демократик ғояларнинг амал-

даги яна бир ёрқин ифодаси бўлади. Мазкур сиёсий жараёнда очиклик, ошкоралик ва шаффофлик амалда кенг таъминланиши учун участка сайлов комиссияларидан ташқил Марказий сайлов комиссиясигача — барча даражадаги сайлов комиссиялари, ҳамма сайлов ташкилотчилари ўз ишини энг илғор демократик принциплар асосида ҳамда юксак ташкилий даражада амалга оширишини тақозо қилади.



Ўзбекистон — Россия:

ПАРЛАМЕНТЛАРАРО МУЗОКАРАЛАРНИНГ АМАЛИЙ БОСҚИЧИ

Шу кунларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева бошчилигидаги делегация расмий ташриф билан Россия Федерациясида бўлиб турибди.

Ташриф

Ўзбекистон парламенти юқори палатаси раҳбарининг ташрифи Россия Федерациясида яшаётган ватандошларимиз билан учрашувдан бошланди.

Унда Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги Фавкулда ва мухтор элчиси Б. Асадов, бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг биринчи ўринбосари Э. Муҳитдинов, Россия Федерацияси поймагида яшаётган ватандошларимиз, шунингдек, онлайн тартибда Россиянинг дея-

нинг самарали механизмларини яратиш тўғрисида батафсил маълумот берилди. Хусусан, Россия Федерацияси ҳудудларида бош консулликлар очилиши аксарият фуқароларимизнинг ҳаётини анча енгилаштирди, шунингдек, коронавирус пандемияси даврида мисли кўрилмаган ёрдам кўрсатилди.

Учрашувда сўзга чиққанлар Россиядаги ватандошларимизга кўмак берилгани учун Ўзбекистон раҳбариятига миннатдорлик изҳор қилиб, Россияда ўзбек маданияти ва миллий қадриятларини тарғиб қилишга, икки мамлакат халқлари ўртасида "кўприк" вази-фасини ўташга тайёрлигини билдирди.



АҲОЛИ СОҒЛИГИНИ ХАВФДАН ҲИМОЯЛАШ — УСТУВОР ВАЗИФА

ХАЛҚ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДАГИ ТИББИЙ ИСЛОХОТЛАР ДЕПСИНИБ ҚОЛАЁТГАНИ ЙЎҚ.

Айни пайтда дунёнинг деярли барча мамлакатлари халқи ҳаётининг синув даврини бошдан кечирмоқда. Жаҳон афқор оммаси ҳаётда коронавирус эпидемияси сабаб мураккаб ўзгаришлар юз берапти. Ушбу "тождор ёв"ни бартараф этишда энг катта масъулият шифокорлар зиммасига тушаётди. Бу ҳеч ким инкор этолмайдиган ҳақиқат.

Таҳлил

Инсон учун саломатлик биринчи ўринда туради. У бўлмаса ҳеч нарса татимайди, бошқа неъматлар кўзга кўринмайди. Қўллар дуога очилганда, аввало, Яратгандан сihat-саломатлик сўралиши ҳам бежиз эмас, албатта.

Шу нуктаи назардан давлатимиз раҳбари бошчилигида соғлиқни сақлаш тизимида туб ислохотлар олиб борилмоқда. Пандемия кучайиб, халқимиз соғлиғига хавф солганда Тошкент шаҳри ва ҳудудларда зарур шароитларга эга қарийб 30 миңг ўринли даволаш масканлари ташкил этилган, улар дори-дармон, ҳимоя

ҳамда замонавий диагностика воситалари билан таъминлангани, пандемияга қарши курашиш учун 200 миңдан зиёд тиббиёт ходимлари, жумладан, чет эллик 150 нафар юқори малакали шифокор ва мутахассислар жалб этилгани фикримиз тасдиғидир.

Олиб борилаётган тезкор тадбирлар ўз натижаларини берди, вазият анча барқарорлашди. Лекин ҳамоно коронавирус балосидан тўлиқ қутулолганимиз йўқ. У ҳалиям ёнимизда, атрофимизда.



ЎзА.

